

**“ЯНГИБОЗОР ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ  
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ  
1-СОН БАЁННОМАСИ**

**Хоразм вилояти, Янгибозор тумани,  
Беруний кўчаси, 1-уи.**

**2022 йил 29 июнь.**

Умумий йигилишнинг ўтиш жойи: Хоразм вилояти, Янгибозор тумани, Беруний кўчаси, 1-уида “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **14:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **14:50**

Акциядорлар умумий йигилиш бошланган вақт: **15:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – **351 699**.

“Янгибозор пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг йиллик умумий йигилиши (келгусида матн давомида - Йигилиш) 2022 йил 01 июндаги 01/80-сон таклиф хати инобатга олиниб, кузатув кенгashi томонидан 2022 йил 03 июнда қабул килинган қарорга мувофиқ ўтказилмоқда.

Йигилишда иштирок этиш хукуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2022 йил 23 июнь.

Жамият кузатув кенгашининг аъзоси К.Хусаинова йигилиш раёсатини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилиш раёсатига қуидагилар сайланди:

1. Искандаров Махмудбой Қодирбердиевич – “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси;
2. Хусаинова Кундузхон Равшонбековна–жамият кузатув кенгashi аъзоси;
3. Ахманов Одилбек Тажибоевич–жамият акциядори.

Йигилиш раёсати аъзоси О.Ахманов малака ва тажрибага эга бўлган “Хоразмпахтасаноат худудий бирлашмаси” АЖ тугатиш комиссия раиси М.Искандаровни йигилишда раислик қилувчи этиб ва жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис Жумамуратов Рашид Алляровични йигилиш котиби этиб сайлаш таклифини киритди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йигилишда раислик қилувчи этиб М. Искандаров ва йигилиш котиби этиб Р.Жумамуратов сайланди.

Йигилишни, йигилишда раислик қилувчи М. Искандаров очди ва акциядорлар ҳамда йигилиш қатнашчиларини кутлаб, йигилиш кворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни саноқ комиссияси аъзоси Р.Жумамуратовга берди.

Саноқ комиссияси ахбороти:

“Кимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси” томонидан 2022 йил 23 июнь ҳолатига шакллантирилган “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йигилишда овоз бериш учун 566 та акциядорга тегишли 351 699 дона акциялар қатнашиши мумкин.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 226 507 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 17 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 64,40 % ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (кворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Н.Отабаев–жамият бош директори в.в.б.;

М. Салаев–жамият тафтиш комиссияси аъзоси;

А.Купаков–жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори ;

Б. Рахимов - МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори.

Йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

### **КУН ТАРТИБИ:**

**1. Саноқ комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.**

**2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.**

**3. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги жамият Бош директорининг ҳисботини эшлиши.**

**4. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини эшлиши.**

**5. Жамият Бош директор вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлаш масаласини кўриб чиқиши.**

**6. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.**

**7. Жамиятнинг 2021 йиллик ҳисботини ва 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.**

**8. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини эшлиши.**

**9. Жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акцияларни бекор қилиш.**

**10. Жамият устав фондини камайтириш.**

**11. Жамият Низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, янги таҳрирда тасдиқлаш.**

**12. Жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.**

**13. Жамият кузатув кенгashi аъзоларини сайлаш.**

**14. Жамият кузатув кенгashi аъзоларига ҳақ тўлаш масаласини кўриб чиқиши.**

**15. Жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш.**

**16. Жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текшируванинн ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг қўп миқдорини белгилаш.**

**17. Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини кўриб чиқиши.**

**18. Жамият томонидан “E-auksion” электрон савдо платформаларига савдога чиқарилган ва мудаттида сотилмага жамият активларини қийматини белгиланган тартибда босқичма-босқич тушириш масаласини кўриб чиқиши.**

**19. Жамиятдаги мавжуд фойдаланилмаётганлиги учун таъсирчан солиқ механизми қўлланилаётган обьектларни давлат тасарруфига бериш масаласини кўриб чиқиши.**

**20. Конунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик (шу жумладан дивидендлардан) қарздорликларини ҳисобдан чиқаришни кўриб чиқиши ҳамда бухгалтерия ҳужжатларда тегишли ёзувларни киритиши.**

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

**Кун тартибидаги биринчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Конунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиши, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгashi томонидан саноқ комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2022 йил 01 июндаги йиғилиш қарорига кўра саноқ комиссияси таркибига жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассис – Р.Жумамуратов, Хуқуқшунос – У.Ахманова ҳамда маъмурий хўжалик(омбор) мудири – Сапарбаев Дониёр Рўзимбоевичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан саноқ комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**1. Уч кишидан иборат қуидаги таркибда саноқ комиссияси тасдиқлансин:**

- 1. Р.Жумамуратов;**
- 2. У.Ахманова;**
- 3.Д.Сапарбаев.**

**Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича** йигилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, йигилиш регламентини йигилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йигилиш кун тартибида 20 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маъruzачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йигилишининг регламенти тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги учинчи масала бўйича** жамият Бош директори в.в.б. Н.Отабаев сўзга чиқиб, ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти ҳамда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида ҳисобот берди (*ҳисобот илова қилинади*).

Ҳисоботда, жамиятнинг ишлаб чиқариш, молиявий-хўжалик фаолияти ва бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йигилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан бош директори в.в.б. Н.Отабаевга тегишли топшириклар берилди.

Йигилишда раислик қилувчи, М.Искандаров акциядорлардан бош директорнинг 2021 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисботини

маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2021 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Исқандаров жамиятнинг кузатув кенгаши аъзоси К. Хусаиновага сўз берди.

К. Хусаинова сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларига кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини ўқиб эшиттирди (*ҳисбот илова қилинади*).

Ҳисботда асосан кузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар ва йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи М. Исқандаров акциядорлардан жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият кузатув кенгашининг 2021 йилдаги фаолияти бўйича ҳисботи маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзга чиқиб, йиғилиш қатнашчиларини 2022 йил 10 июндаги Кузатув кенгаши йиғилиши баённомаси билан таништириб ўтди. Баённомада, жамият бош директори вазифасини вақтинча бажарувчиси Жумамуратов Шерали Отабаевич 2022 йил 19 май куни вафот этганлиги сабабли, “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ Бош директори вазифасини вақтинча бажариш 2021 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларнинг

навбатдаги умумий йиғилишига қадар Отабаев Нурали Шерали ўғли зимасига юқлатилганлигини айтиб ўтди. Бундан сўнг, Узбекистон Республикаси “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқукларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 79-моддасига асосан жамият директорининг, жамият бошқаруви аъзоларининг хуқуқ ва мажбуриятлари тегишинча ушбу Қонун ва бошқа қонун хужжатларида, жамият уставида ҳамда уларнинг ҳар бири жамият билан бир йил муддатга тузадиган шартномада белгиланиб, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш мумкинлиги тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши тўғрисида маълумот берди.

Йиғилиш раиси М.Искандаров сўзга чиқиб, жамият бош директори в.в.б. Н.Отабаев ваколати тугаганлиги, ва бош директори лавозимига номзод тайинлаш масаласини кўриб чиқиш зарурлигини таъкидлаб ўтди.

Узбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 марта 4633-сон қарори ижросини ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиха оғиси топшириқларини амалдаги қонунчилик талаблари бўйича хизмат вазифасини бажариб келаётганлигини инобатга олган ҳолда, “Янгибозор пахта тозалаш” АЖ Бош директори в.в.б. Отабаев Нурали Шерали ўғлини акциядорларининг 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган навбатдаги умумий йиғилишигача узайтирилиш таклифини билдириди.

Муҳокамадан кейин, кун тартибидаги бешинчи масала овозга қўйилди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлағанлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. “Янгибозор пахта тозалаш” акциядорлик жамияти бош директори в.в.б. Отабаев Нурали Шерали ўғли ваколати 2022 йил якуни бўйича ўтказиладиган жамият акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилишигача узайтирилсин.**

**2. Жамият Бош директори в.в.б. Отабаев Нурали Шерали ўғлига:**

- ўз вазифаларини бажариш даврида барча бирламчи ва банк хужжатларига биринчи имзо қўйиш ҳамда жамият Уставида белгиланган хукуқ ва мажбуриятлардан қонун доирасида фойдаланиш хукуки берилсин:

-“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш Лойиха оғиси ҳамда “Хоразмпахтасаноат” ҲБАЖ томонидан бажарилиши белгиланған

**буйруқ ва топшириқларни ўз вақтида амалга ошириш вазифаси юклатилсин.**

**Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича** “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022 йил 6 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хulosаси билан йигилиш иштирокчиларини таништирди.

Бундан сўнг, МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилоти аудитори Б. Рахимов сўзга чиқиб, жамиятнинг 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича 2022 йил 6 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хulosаси билан йигилиш иштирокчиларини таништирди.

“Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотларининг хulosаларида “Янгибозор пахта тозалаш” АЖнинг 2021 йил 31 декабрь ҳолатидаги молиявий ҳисботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини хаққоний акс эттиради ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ҳамда Халқаро стандартларга мувофиқ келади.

Йигилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2021 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 6 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 6 майдаги Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви хulosаларини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласи:

1. “Audit Union” МЧЖ аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 6 майдаги Миллий стандартларга мувофиқ ва МЧЖ “Audit Union” аудиторлик ташкилотининг 2022 йил 6 майдаги Халқаро аудит стандартларига мувофиқ берилган аудиторлик текшируви хulosалари тасдиқлансан.

**Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Купаковга сўз берилди ва у йигилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2021 йил якуни бўйича йиллик ҳисботи ва 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йигилиш

катнашчиларини таништириди (*йиллик ҳисобот ва бизнес-режса илова қилинади*).

Йиғилиш раиси М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг 2022 йиллик бухгалтерия баланси, молиявий натижаларини ҳамда 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

- 1. Жамиятнинг 2021 йиллик бухгалтерия баланси молиявий натижалари қониқарли деб топилсин ва ҳисботлари маълумот учун қабул қилинсин.**
- 2. Жамиятнинг 2022 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров жамиятнинг тафтиш комиссияси аъзоси М. Салаевга сўз берди.

М. Искандаровга жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хulosасини ўқиб эшиттириди (*хулоса илова қилинади*).

Йиғилишда раислик қилувчи, М. Искандаров акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хulosасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

**Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.**

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

- 1. Жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган тафтиш комиссиясининг хulosаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича** жамиятнинг бош ҳисобчиси А.Купаковга сўз берилди, 2022 йил 08 февралдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарорига асосан “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 40-41 моддаларига мувофиқ йирик битим тузилганлиги сабабли жамиятнинг 33 нафар акциядорлар томонидан ўзларига тегишли бўлган акцияларни баҳолангандан қийматда қайтариб сотиб тўғрисидаги аризаси бўйича 31 954 дона акция жамият томонидан қайтариб сотиб олинган бўлиб, ушбу қайтариб сотиб олинган акцияларни Қонуннинг 40-моддасида назарда тутилган бошқа ҳолларда жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар жамият тасарруфига ўтади. Мазкур акциялар овоз бериш хуқуқини бермайди, овозларни санаш чоғида ҳисобга олинмайди, улар бўйича дивидендлар ёзилмайди. Бундай акциялар қайтариб сотиб олинган пайтдан эътиборан бир йилдан кечиктирмай реализация қилиниши лозим, акс ҳолда акциядорларнинг умумий йиғилиши мазкур акцияларни бекор қилиш йўли билан жамият устав фондини (устав капиталини) камайтириш тўғрисида қарор қабул қилиши кераклигини инобатга олган ҳолда акцияларни бекор қилиш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилища раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласиди:

**1. Жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар бекор қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

**-қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамият томонидан қайтариб сотиб олинган акциялар ҳисобдан чиқарилиши амалга оширилсин.**

**Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича** йиғилища раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, акциядорларни жамият ижроия органи томонидан тайёрланган жамиятнинг янги таҳрирдаги устави лойиҳаси билан таништириди.

Бундан сўнг, жамият молиявий масалалар бўйича директор А.Купаков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-3408-сон Қарори қабул қилинганлиги ва жамият жойлаштирилган акцияларга қўшимча равища жойлаштиришга ҳақли бўлган эълон қилинган акцияларнинг миқдори

ўзгарганлиги муносабати билан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш таклифини киритди.

Мұхокамадан сұнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш бүйича үз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сұради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият устав фонди камайтирилиши тасдиқлансин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-қонунчиликда белгиланган муддат ва тартибда жамиятнинг устав фондини камайтирилиши бухгалтерия хисоботларида акс эттирилсин.

**Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича** жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи – Р.Жумамуратов сўзга чиқиб, қуидагиларни маълум қилди:

“Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуннинг 15-моддасига кўра, жамиятнинг низомига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар, шу жумладан янги таҳрирдаги устави ушбу Қонуннинг 14-моддасида жамиятни рўйхатдан ўтказиш учун назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилиши лозимлиги ҳамда жамият уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар ёки жамиятнинг янги таҳрирдаги низоми давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан эътиборан учинчи шахслар учун кучга кириши ҳақида гапирди.

Шундан сўнг жамият директори Н.Отабаев жамият низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қарорлар акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинишини айтиб ўтди.

Шунга кўра, жамият низомига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши сабабли жамият низомининг янги таҳририни тасдиқлаш лозимлигини билдириди.

Мұхокамадан сұнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан жамият уставини янги таҳрирда тасдиқлаш бўйича үз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сұради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотұғри тұлдирилған бюллетенлар йүк.

Кун тартибидаги үн биринчи масала бүйича акциядорларнинг йиллик умумий үйишиші қарор қиласы:

**1. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави амалдаги қонунчиликга мувофиқ умумий үйишиш қарорига асосан қайта рўйхатдан ўтазилиши тасдиқлансин.**

**2. Жамиятнинг янги таҳрирдаги устави 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги үн иккинчи масала бүйича** үйишишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзни жамиятнинг бош директори в.в.б Н.Отабаевга берди.

Н.Отабаев үйишиш иштирокчиларини кун тартибидаги масала бүйича ижроия органининг ва жамият кузатув кенгашининг таклифи билан таништириди.

Бугунги кунда жамиятнинг устав фонди 1 870 303 500 сўмни ташкил этади.

Жамият Уставига асосан жамиятнинг захира фонди жамият устав капиталининг 15 фоиз – 280 545 525 сўм миқдорида тузилади ва 2022 йил 01 июнь ҳолатига захира фонди 173 417 833 сўм, яъни устав капиталнинг 9,2 фоизини ташкил этади.

Жамият акциядорларининг 2021 йиллик умумий үйишиш қарорига асосан, 2020 йил соф фойдасидан 382 111 683 тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган маблаг жамиятнинг 2021 йил якуни бүйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш бүйича қарор қабул қилинган.

Жамият томонидан 2021 йил якуни бүйича 16 730 190 873 сўм соф фойда олинган бўлиб, шундан:

- Жамият томонидан 2020 йил якуни бүйича тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 382 111 683 сўм жами 17 112 302 556 сўм соф фойдани куйидагича тақсимлаш тавсия этилади.

-соф фойданинг 29,39 фоизи яъни 5 029 295 700 сўм (дивиденд солиғи билан бирга)ни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга ўналтирилсин;

- соф фойданинг 1,5 фоизи яъни 256 684 538 сўмни Кузатув кенгashi аъзолари, тафтиш комиссия аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рагбатлантириш учун ўналтирилсин;

-соф фойданинг 69,11 фоизи яъни 11 826 322 318 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 11 826 322 318 сўм маблаг жамиятнинг 2022 йил якуни бүйича соф фойда тақсимотида инобатга олиш тавсия этилган.

Мұхокамадан сұнг үйғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан кун тартибидаги масала бүйича берилған таклифга үз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сұради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бүйича акциядорларнинг йиллик умумий үйғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича 16 730 190 873 сўм соф фойда олинган бўлиб, шундан:**

- Жамият томонидан 2021 йил якуни бўйича олинган 16 730 190 873 сўм ҳамда 2020 йил соф фойдасидан тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилган 382 111 683 сўм жами 17 112 302 556 сўм соф фойданни қўйидагича тақсимлаш тавсия этилади.

-соф фойданинг 29,39 фоизи яъни 5 029 295 700 сўм (дивиденд солиги билан бирга)ни дивиденд миқдорида акциядорлар ўртасида тақсимлашга йўналтирилсин;

- соф фойданинг 1,5 фоизи яъни 256 684 538 сўмни Кузатув кенгаши аъзолари, тафтиш комиссия аъзолари ҳамда ижроия органи аъзоларини рағбатлантириш учун йўналтирилсин;

-соф фойданинг 69,11 фоизи яъни 11 826 322 318 сўм тақсимланмасдан жамғарилган фойда таркибида қолдирилсин ҳамда мазкур 11 826 322 318 сўм маблағ жамиятнинг 2022 йил якуни бўйича соф фойда тақсимотида инобатга олинсин.

**2. Дивиденлар мазкур үйғилиш қарори қабул қилинган кундан эътиборан олтмиш кун ичida тўлансанин.**

- дивиденларни тўлашни бошлаш санаси: 29 июнь 2022 йил.

- дивиденларни тўлашни тугатиш санаси: 28 август 2022 йил.

**3. Дивиденлар белгиланган тартибда ва юқорида кўрсатилган муддатларда акциядорларнинг банкдаги ҳисоб рақамларига пул маблағларини ўтказиш йўли орқали амалга оширилсин.**

**Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича үйғилишда раислик қилувчи** М.Искандаров сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 369 620 дона акция эгаси “Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Курязов Дониёр Ахмедович -“Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи, Машарипов Равшан

Джуманазарович-“Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти худудий бошқармаси бош мутахассис, Курбанов Азамат Шарифович -“Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти худудий бошқармаси бош мутахассис, Хусаинова Кундузхон Равшонбековна -“Хоразмпахтасаноат” ҲБАЖ корпоратив масалалар буйича мутахассис, Холиқов Баходир Назарович -“Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассис, Салаев Матназар Жуманиязович - “Хоразмпахтасаноат” ҲБАЖ бош ҳисобчи, Ахманов Одилбек Тажибоевич - Жамият акциядори номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибиға сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

Курязов Дониёр Ахмедовичга:

“Ёқлаганлар” – 200 922 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Машарипов Равшан Джуманазаровичга:

“Ёқлаганлар” – 196 960 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Курбанов Азамат Шарифовичга:

“Ёқлаганлар” – 195 682 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Хусаинова Кундузхон Равшонбековнага:

“Ёқлаганлар” – 199 683 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Холиқов Баходир Назаровичга:

“Ёқлаганлар” – 197 044 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Салаев Матназар Жуманиязовичга:

“Ёқлаганлар” – 197 380 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Ахманов Одилбек Тажибоевичга:

“Ёқлаганлар” – 396 978 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуидагилар сайлансин:**

**“Хоразмпахтасаноат ҳудудий бирлашмаси” АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:**

1. Курязов Дониёр Ахмедович -“Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бўлим бошлиғи
2. Машарипов Равшан Джуманазарович-“Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассис
3. Қурбанов Азамат Шарифович -“Давлат активларини бошқариш агентлиги, Хоразм вилояти ҳудудий бошқармаси бош мутахассис
4. Ҳусайнова Кундузхон Равшонбековна -“Хоразмпахтасаноат” ҲБАЖ Корпоратив масалалар буйича мутахассис
5. Ҳоликов Баходир Назарович -“Ўзпахтасаноат” АЖ бош мутахассис,
6. Салаев Матназар Жуманиязович - “Хоразмпахтасаноат” ҲБАЖ бош хисобчи,
7. Ахманов Одилбек Тажибоевич – Акциядор.

**Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзга чиқиб, “Ўзпахтасаноат” акциядорлик жамиятини тугатиш Лойиха офисининг 2022 йил 24 майдаги АХ-12/578 сон хати билан таништириди.

Хатда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6-мартдаги ПҚ-4633-сон “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан “Ўзпахтасаноат” АЖни ва тизим корхоналарида тугатиш ишлари олиб борилаётганлиги, Бундан ташқари Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорларига асосан пахта тозалаш корхоналарининг мол-мулклари пахта тўқимачилик кластер корхоналарига сотилганлиги сабабли, бугунги кунда асосий ишлаб чиқариш фаолияти кластер корхоналари томонидан амалга оширилиши айтиб ўтилган.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон “Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва хусусий секторни ривожлантириш орқали барқарор иқтисодий ўсиш учун шарт шароитлар яратиш борасидаги навбатдаги ислохотлар тўғрисида”ги фармонга мувофиқ 2022 йил 01 июлдан бошлаб, давлат иштирокидаги корхоналар кузатув кенгаши аъзоларини рағбатлантириш ва ижро органи аъзолари меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича ягона рағбатлантириш сиёсатини жорий этилиши белгиланганлиги ҳисобга олган ҳолда, ҳамда харажатларни қисқартириш мақсадида пахта тозалаш корхоналари акциядорлари (таъсисчилари)нинг навбатдаги йиллик умумий йигилишларида жамият кузатув кенгаши аъзоларига улар ўз вазифаларини бажариб турган давр учун ҳақ тўлаш масаласини қайта кўриб чиқилишини таъминлаш тавсия этилган.

Йиғилиш раиси муҳокама давомида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8-апрелдаги ПФ-101-сон Фармонидан келиб чиқиб,

жамият кузатув кенгаши аъзоларига вазифаларини бажариб турган даври учун молия хўжалик йили якунлари бўйича ўтказиладиган акциядорларнинг умумий йиғилишда кўриб чикиб, ягона рафбатлантиришни жорий этиш бўйича таклиф берди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан кун тартибидаги мазкур масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамият кузатув кенгаши аъзоларига ўз вазифаларини бажариб турган давр учун иш ҳақи тўланиб келиниши бекор қилинсин.**

**2. Жамият “Кузатув кенгаши тўгрисида”ги Низоми З-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Купаков сўзга чиқиб, жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси билан йиғилиш қатнашчиларни таништирди.

Янги ташкилий тузилма Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчилар касбларининг классификаторига асосан ишлаб чиқилганлигини маълум қилинди.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан жамиятнинг янги ташкилий тузилмасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1.Жамиятнинг янги ташкилий тузилмаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.**

**Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори А.Купаков сўзга чиқиб, жамиятда

2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништириди:

т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда	Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текшируви, минг сўмда
1	МЧЖ “УРГАНЧ АУДИТ”	26.04.2022 йил №4/5	32 000,0	28 000,0
2	МЧЖ “Audit Union” АТ	26.04.2022 йил №1/5	11 270,0	10 235,0

Муҳокама давомида жамият акциядори О.Ахманов жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташки аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдириди.

Ўзбекистон Республикаси “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунининг 16-моддасига асосан аудиторлик ташкилоти айнан бир хўжалик юритувчи субъектнинг фаолиятини кетма-кет уч йилдан ортиқ аудиторлик текширувидан ўтказишига ҳақли эмас. Юқорида кўрсатилган 2 та аудиторлик ташкилотлари кетма-кет уч йилдан ортиқ жамиятни аудиторлик текширувидан ўтказмаган.

Бундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорлардан 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласи:

**1. 2022 йил якуни бўйича аудиторлик текширувани:**

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувани ўтказиш учун МЧЖ “Audit Union” АТ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори – 11 270,00 минг сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текшируванин үтказиш учун МЧЖ “Audit Union” АТ аудиторлик ташкилоти танлансан ин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 10 235,00 минг сўм белгилансин.

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият акциядорларнинг умуний йигилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисбот ҳамда хulosаларни киритсин.

**Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича** йифилишда раислик қилувчи М.Искандаров сўзни жамият бош директори Н.Отабаевга берди.

Н.Отабаев жамиятнинг 2021 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш – МЧЖ “Audit Union” АТ томонидан үтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотнинг 2022 йил 24 майдаги хulosани акциядорларга ўқиб эшиттириди. Хulosага асосан, жамиятнинг корпоратив бошқарув тизими даражаси – **427** баллга баҳоланган, яъни **қониқарли** деб эътироф этилган (*хулоса илова қилинади*).

Бундан сўнг, кузатув кенгаши аъзоси К.Хусаинова сўзга чиқиб, Корпоратив бошқарув кодексига асосан жамиятларда үтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори кўрсаткичларга кўтаришни ижроия органи зиммасига юклатилганлиги ҳақида маълумот берди.

Йифилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорларга жамиятда 2021 йил якунлари бўйича үтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш бўйича берилган хulosани маълумот учун қабул қилиш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умуний йифилиши қарор қиласи:

**1. Жамиятда 2021 йил якунлари бўйича үтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижалари бўйича МЧЖ “Audit Union” АТнинг хulosаси маълумот учун қабул қилинсин.**

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- 2022 йил якунлари бўйича ўтказилган корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш натижаларини бундан ҳам юқори қўрсаткичларга кўтариш бўйича тегишли чоралар қўрсин.

**Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича-** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (Бош ҳисобчи) А.Купаков сўзга чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасиниг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сонли қарорига асосан объект сотилмаган тақдирда бошланғич нархга нисбатан объектнинг нархини босқичма-босқич пасайтириш механизми қўлланиб, аукционга қўйилган объектнинг бошланғич нархининг 50 фоизига етгунча, ҳар 30 қунда аукционга қўйилган бошланғич нархдан 10 фоиз камайтирилиши, бироқ дастлабки нархнинг 50 фоиздан кам бўлмаган миқдоргача белгиланганлигини айтиб ўтиб, ушбу механизмдан фойдаланишни таклиф қилди.

“E-iжro auksion” электрон савдо майдончасида аукцион савдосида сотилмасдан турган объектининг бошланғич нархига нисбатан объектнинг нархини босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллаб, аукционга қўйилган объектнинг бошланғич нархининг 50 фоизига етгунча, ҳар савдода аукционга қўйилган бошланғич нархдан 10 фоиз камайтириш, бироқ дастлабки нархнинг 50 фоизидан кам бўлмаган нархда очик аукцион савдоларида сотиш таклифини киритди.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан кун тартибидаги мазкур масала учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласи:

“Янгибозор пахта тозалаш” АЖ балансидаги “E-iжro” auksion савдосига чиқарилган улушларини, объектларини нархини босқичма-босқич пасайтириш механизмини қўллаб, аукционга қўйилган улушлар ҳамда объектларнинг бошланғич нархининг 50 фоизига етгунча, ҳар савдода аукционга қўйилган бошланғич нархдан 10 фоиз камайтириш, бироқ дастлабки нархнинг 50 фоизидан кам бўлмаган нархда “E-iжro auksion” аукцион савдоларида сотишга руҳсат этилсин.

**Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича -** жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори (Бош ҳисобчи) А.Купаков сўзга чиқиб, ҳозирги кунда жамиятда фойдаланилмаётган объектлар йўқлиги ва “Янгибозор пахта тозалаш” АЖга тегишли бўлган барча объектлар кластер ташкилотчиларига

олди-сотди шартномаси асосида фойдаланиб келинмоқда, таъсирчан солик механизми мавжуд эмаслиги ҳақида акциядорларга тушунча бериб ўтди.

Мұхокамадан сұнг йиғилишда раислик қилувчи М.Искандаров акциядорлардан күн тартибидаги масала бўйича берилган таклифга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Күн тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши қарор қиласди:

**“Янгибозор пахта тозалаш” АЖ га тегишли бўлган бугунги кунда фойдаланилмаётган объектлар жамият балансида мавжуд эмаслиги маълумот учун қабул қилинсин ва тасдиқлансан.**

**Күн тартибидаги йигирманчи масала бўйича** йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори А.Купаковга берди.

А.Купаков сўзга чиқиб, жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарздорликлари таҳлилини ўтказиш мақсадида Бош директор бошчилигига ишчи-гуруҳи тузилган ва мазкур ишчи-гуруҳининг хulosасига асосан 2022 йил 01 июнь ҳолатига қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг 675 062 сўмлик дебиторлик қарздорликлари мавжудлиги ҳақида маълумот берди (*хулоса илова қилинади*).

Мұхокамада йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров ушбу қарздорликларни ҳисобдан чиқаришни ва бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувларни киритишни таклиф этди.

Күн тартибидаги йигирманчи масала юзасидан йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорларга ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

**Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:**

**“Ёқлаганлар” – 226 507 та овоз билан 100,0%;**

**“Каршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.**

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Күн тартибидаги йигирманчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қиласди:

**1. Жамиятнинг қонунчиликда белгиланган даъво муддати ўтган жамиятнинг дебиторлик қарздорликлари 5-иловадаги рўйхатга мувофиқ**

хисобдан чиқарилсин ҳамда бухгалтерия ҳужжатларига тегишли ёзувлар киритилсин.

**2. Жамият ижроия органи раҳбарига:**

- жамиятнинг дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ошиб кетишига йўл қўймаслик бўйича тегишли чораларни кўриш;

- барча турдаги харажатлар қисқартирилишига эришиш юклатилсин.

Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши томонидан қабул қилинган қарорлар эълон қилинганидан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи М. Искандаров акциядорларга уларнинг иштироки учун миннатдорчилик билдириб, йиғилишни ёпик деб эълон қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи:  M. Искандаров

Йиғилиш котиби:  R.Жумамуратов



Йиғилиш баённомаси 2022 йил 08 июль куни икки нусхада тузилди.